



## СПОРТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ЛИСОНИЙ ҲОДИСАЛАРИ

*Қўлдошева Навбахор Бобоқулловна*

БухДУ доценти

*Эрматова Зулфизар*

БухДУ магистранти

**Аннотация:** *Мазкур мақолада француз ва ўзбек тиллари спорт терминологияси ва уларнинг лисоний ҳодисалари, лексик жараённинг динамикаси ва механизми, шунингдек, ўрганганлик даражалари ҳақида умумий мулоҳаза юритилган. Мақола тадқиқот бошида турган илмий изланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.*

**Калит сўзлар:** *спорт терминлари, замонавий концепцияси, лисоний ҳодиса, динамизм, полисемия, омонимия, вариативлик, неологизм.*

Жаҳон тилшунослиги замонавий концепциясида лисоний ҳодисаларни янги илмий парадигма – антропоцентризм қонуниятлари чегарасида талқин қилиш ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Бу борада спорт терминологияни лисоний/ғайрилисоний тафаккур доирасида чоғиштириш ва чоғиштириб ўрганишда илк қадамлар қўйилди. Дунё терминосфераси майдонида спорт терминларининг ноқардош тиллар тизимида қўлланишига алоҳида эътибор бериди. Бироқ моҳиятан ва миллий табиати жиҳатидан фаркланувчи француз ва ўзбек спорт терминлари шакл ва мазмун чегараларининг функционал динамизми, полисемия, омонимия, вариативлик қонуниятлари доирасида терминларнинг мантикий-концептуал қийматини ҳамда инновацион тараққиёт истиқболларини белгилаш йўлида тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Терминологиянинг тарихий илдизларига эътибор қаратилганда спорт терминларининг тараққиёт босқичлари, терминларнинг миллий ўзига хослиги, уларнинг таснифи ва тавсифи каби масалалар тадқиқи йўналишида А.Рей, Ж.К.Сейжер, О.Вюстер, Ю.Н.Марчук, Ж.Корню, Р.Теммермен, В.М.Лейчик, С.И.Омарова, М.А.Паржева, Ш.Д.Шелов, О.С.Ахманова, шунингдек, А.Ҳожиев, Ҳ.Дадабоев, Ғ.М.Исмаилов, З.А.Абдуллаева, А.Нурмоновнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик [1;2;3;4;5;6;7;8;9;10;11, 12].

Спорт терминологияси йўналишида Р.В.Вайнз, Р.В.Попов, А.Н.Шафоатов, И.Ю.Хмелевская, З.Мурзоев, Е.И.Гуреева каби хорижий олимлар, шунингдек, М.Х.Бобоёров, Х.А.Саримсоков сингари ўзбек олимлари ўз тадқиқотларини яратишган. Қолаверса, В.Д.Швайко И.Оверана, П.Г.Нуров, Ў.Қ.Юсупов, И.К.Мирзаев, О.С.Ахмедов, П.П.Нишонов, Д.И.Ходжаева каби олимлар томонидан қиёсий-чоғиштира тилшунослик, қиёсий терминшуносликнинг назарий асослари далилланган, терминология ва унинг турли хусусиятлари ҳақида луғатлар, монографик асарлар ҳамда диссертациялар чоп эттирилган.

Р.В.Вайнз, Е.И.Гуреева, А.Н.Шафоатов каби олимлар француз, рус, тожик лингвомаданиятларида спорт терминларининг миллат, ирқ ва жинс билан боғлиқ жиҳатларини лингвокогнитив аспектда ўрганган бўлса, И.Ю.Хмелевская француз ва рус, Х.А.Саримсоков инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминологиясининг чоғиштира



тадқиқини амалга оширган. Тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина изланишлар олиб борилган бўлса-да, ўз ечимини кутаётган жуда кўплаб муаммолар жумладан, француз ва ўзбек тиллари спорт терминларини лингвомаданий аспектда тадқиқ қилиш масаласи долзарблик касб этади [12].

Терминлар тиллараро миллий-маданий умумийлик, хусусийлик, муштараклик ва фарқларни ёрқин ифодалайди. Категориялар концептларни турли хил ҳолатда маълум бир маданий ўзаро боғлиқлик доирасида бирлаштиради. Шу ўринда В.Г.Гак терминнинг моҳиятини очиб, унинг тил луғавий тизимидаги ўрни кенг эканлигини аниқлайди, терминга мутлақо ўзгача, бир қарашда англаш ва идрок этиш қийиндек туюлади, деб айтган фикрига қўшиламиз ва назаримизда, ҳақиқатан ҳам терминни мураккаб, кенг камровли, идрок этиш қийин бўлган лисоний бирлик, деб айтиш ўринлидир.

Терминология бу махсус луғатнинг типологияси, келиб чиқиши, шакли, мазмун-маъноси ва фаолияти, шунингдек, фойдаланиш, тартибга солиш ва яратиш нуқтаи назаридан ўрганадиган фан ҳисобланса, қиёсий терминология чегараларини белгилаш мушкул бўлган тилшуносликда бахс-мунозараларга сабабчи бўлаётган, тилларнинг ўзаро таъсир этиш жараёнини англашда кўмак беради, маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

Бугунги кунда «спорт» термини доирасида англашиладиган воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш динамикаси соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида спорт терминларининг француз ва ўзбек тиллари тизимида ҳар бирига оид умумий ва миллий белгиларини аниқлаш давлатлараро ва халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортга доир хорижий инвестициялар, грантларни жалб этиш ишларини кенгайтиради.

Спортга доир терминларни ўрганиш муаммолари, француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг бойитилиш усуллари таҳлил қилинган. Биламизки, спорт тарихи қадимги даврда жисмоний тарбиянинг вужудга келиш хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Инсониятнинг энг қадимги давр тарихи 3-3,5 миллион йил аввал бошланиб, милодий IV асргача давом этган. Маълумотларига кўра, одамзод дастлаб Африка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда пайдо бўлган, кейинроқ эса Осиё ва Европанинг бошқа ҳудудларига кириб борган. Ўрта Осиёда ҳам энг қадимги одамларнинг яшашлари учун қулай шароитлар мавжуд бўлган. Меҳнат билан боғлиқ бўлган турли мусобақалар ташкил этилиб, илк бор меҳнатнинг жинс ва ёшга қараб бўлиниши амалга оширилган. Ҳиндулар қабиласида каучуклардан коптоклар, махсус чана ясаганлар. Шарқий Африкадаги ибтидоий қабилаларда лангарчўп билан сакраш ва югуриб келиб баландликка сакраш мусобақалари ўтказилган. Шимолий ва Жанубий Америкада европаликларнинг истилосига қадар резина копток, чавгон ва ракеткалардан фойдаланиб ўйналадиган ёзги ва қишки ўйинларни ташкил этишган. Йирик олим ва файласуф Аристотель инсоннинг руҳи ва танаси ажралмас ҳолда боғлиқ эканлигини тушунтириб, жисмоний тарбиянинг ақлий тарбия билан ҳамоҳанглигини таъкидлаган[12].

Маълумки, спорт терминининг этимологик келиб чиқиши эски французча «desport» сўзидан олинган бўлиб, «ўйин-қулги, кўнгил очиш» деган маънони англатади, яъни шуғулланувчиларнинг жисмоний ёки ақлий қобилиятларини солиштиришга мўлжалланган, алоҳида қоидаларига эга фаолият тури сифатида намоён бўлади. Француз тилшунос олими Альбер Дозанинг «Янги этимологик ва тарихий луғат» асарида «sport - спорт» лексикаси 1828 йилдан бошлаб муомалага киритилганлиги келтирилади.



Спорт терминологиясида спорт терминлари турли тиллардан олинган бўлиб, ҳар хил маъноларни англатиши маълум. Масалан, «таэквондо» корейсча сўздан олинган бўлиб, «таэ» – оёқ, «квон» – қўл, «до» – йўл, яъни оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли – спорт кураши, баскетбол – инглизча «basket» – сават, «ball» – тўп – спорт тури, «шахмат», форс тилидан олинган «шоҳ мот» – «шоҳ ўлди» – спорт тури, дзюдо – японча «дзю» – юмшоқ, «до» – йўл – спорт якка кураши, волейбол – инглизча «volley ball», «volley» – уриб қайтармоқ ва «ball» – коптоқ – жамоа бўлиб, ўйналадиган спорт ўйини, бокс инглизча «box» – муштлаш, зарб бериш, гандбол немисча «hand» – қўл, «ball» – тўп, қўл тўпи – спорт ўйини, туризм французча «culturisme» – гавда маданияти ёки бодибилдинг инглизча «bodybuilding» – тана тузилиши спорт тури, фристайл, инглизча «free» – эркин, «style» – усул – тоғ чанғи спорт тури ва ҳ.к.

Француз ва ўзбек тилларида спорт лексикасининг бойиши қуйидаги йўллар билан амалга ошиши ўрганилди: 1) бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштириш йўли билан; 2) тилда қўлланилиб келган айрим сўзларда функционал-семантик хусусиятнинг йўқолиши; 3) сўзларнинг ўз маъноларини ўзгартириши (сўз маъносининг тўлиқ ўзгариши, омоним сўзларнинг пайдо бўлиши, сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши).

Айтиш жоизки, тиллар бир-биридан ҳимояланмаган. Бир тил бошқа бир тилдан товушлар, сўзлар ва бирикмаларни ўзлаштириши мумкин. Масалан, ҳакам, жамоа, ҳалол (арабча), чала (форс-тожикча), баҳодир (мўғулча), футбол, баскетбол, волейбол, хоккей, бокс (рус тили орқали инглиз тилидан кирган) ва бошқалар.<sup>1</sup>

Спорт терминларининг шакл хусусиятларини ўрганишда сўз ва бирикма шаклидаги терминлардан ташкил топиши диққатни тортди. Масалан: кураш, пойга, тепмоқ, ҳалол ва майсазор, футболчи, ўқла, эш+как ва ҳ.к.

Француз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ чет тилларидан ўзлашгантерминлар кўпроқ ва улар талаффуз жиҳатидан ўзлашган. Мас.: *athlète* (m) – атлет; *ruck* (f) – шайба; *référé* (m) – ҳакам; *échecs* (pl.m) – шашка; *raquette* (f) – ракетка. Кўпгина французларга хос бўлмаган спорт турларига оид терминлар ҳам француз тилига таржима қилинган, бошқа тилларни кузатар эканмиз, халқаро спорт терминларини таржимасиз олинганлигини кўриш мумкин, бироқ миллий тил «соф» лиги учун курашувчи француз тадқиқотчилари саъй-ҳаракатлари натижасида луғатга хос бўлмаган ўзлашма сўзлар француз тилига таржима қилинган. Масалан: *gymnastique* (f) – гимнастика; *coupe* (f) – кубок; *crosse* (f) de hockey – клюшка ва ҳ.к.

Маълумки, сўз ясовчи қўшимча қўшилиши билан ясалган содда терминлар ясама содда терминлардир. Икки тил доирасида бундай терминлар кўпинча олд (префикс) ва сўнг (суффикс) қўшимчалар асосида ясалади. N+ – *eur* (-*teur*, -*seur*), -чи, -зор қўшимчалар от сўз туркумига оид спорт терминлари ясалса, N+*er*, -моқ қўшимчалар асосан феълли спорт терминлари ясалади. Масалан, *lober*, *dribbler*, *shooter*, *smasher*, *boxer*, *stopper*, *tacler*, *slalomer*, ўйнамоқ, тепмоқ, сузмоқ, отмоқ, югурмоқ, курашмоқ ва ҳ.к.

Француз терминологик луғатларда спорт терминлари от сўз туркумига хос ҳаракат номини (*nom d'action*) кўрсатишда асосан 5 та қўшимчалар ёрдамида ясалади: -*age*, -*ade*, -*tion*, -*ation*, -*ment*. Масалан, *talonnage*, *blocage*, *barrage*, *marquage*, *glissade*, *roulade*, *position*,

<sup>1</sup> Online Etymology Dictionary. мурожаат этилган сайт ҳаволаси:

<https://www.etymonline.com/search?q=sport> , охириги мурожаат санаси: 22 август 2020 йил.



sélection, substitution, anticipation, prolongation, élimination, débordement, dégagement, avertissement etc. Шунингдек, француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларида ҳам жуда кўп қўшма терминларни учратиш мумкин. Масалан, un-contre-un (m) – бирга-бир; avant-centre (m) – марказий хужумчи; protège-cheville (m) – болдир боғичи; vice-champion (m) – вице-чемпион (иккинчи ўрин совриндори).

Шуни айтиш мумкинки, спорт терминларининг 58 % ни бирикма шаклидаги терминлар ташкил қилмоқда. Масалан, tir (m) au but – пенальти тепиш; gardien (m) de but – дарвозабон; arrêts (pl.m) de jeu – танаффус; coup (m) de coin – ён томондан зарба; match (m) nul – дурранг натижа; coup (m) de pied – оёқ зарбаси; coup (m) de sifflet – ўйинни бошлаш, хуштак чалиниши; gardien (m) remplaçant – захирадаги дарвозабон; bateau (m) de course – пойга қайиғи.

Француз тилидаги спорт терминлардан balle (f) de badminton (бадминтон коптоғи), piscine (f) de natation (сузиш ҳавзаси), gant (m) de boxe (бокс қўлқопи) каби бирикмали терминлар отли бирикма, ҳамда бош сўз феъл ва унинг равишдош, сифатдош шакллари билан ифодаланса, феълли бирикма ҳисобланади. Француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминлардан monter en montagne (тоққа чиқмоқ), lancer une disque (диск улоқтирмоқ) каби бирикмали терминлар феълли бирикма терминлар саналади.

Тилшуносликда неологизмлар ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга соҳа саналади. Тил тараққиётининг маълум бир босқичида неологизм бўлган сўз кейинроқ неологизмлик «бўёғи»ни йўқотиб, замонавий лексик қатлам бирлигига айланиши мумкин. Масалан, футбол, арбитр, самбо, дзюдо, регби, чим устида хоккей, қиличбозлик, акробатика, стол тенниси, мототцикл спорти, велосипед спорти, парашют спорти, от спорти, камондан отиш, фигурали учиш, бадий гимнастика каби сўзлар дастлабки пайтларда неологизм бўлган, ҳозир эса уларнинг бирортасида янгилик бўёғи сақланмаган, демак, бу сўзлар аллақачон неологизмлик ҳолатидан чиқиб, қўлланиши одат тусига кирган узуал лексемаларга айланган, деб айтиш мумкин. Кейинги 5-10 йил ичида эса ўзбек тили спорт терминологиясида пайдо бўлган либеро, плеймейкер, траверс, делтапланер, каррилеро, диспетчер, бокс-ту-бокс, трекквартиста, бадминтон, патли копток, волан, ракетка, биатлон, бобслей, фристайл, бодибилдинг, туризм, сув полоси, ватерполо, стайл, байдарка, каноэ, чанги балети, чанги акробатикаси, қўшғилов ҳимоя каби янги сўзлар, француз тили спорт терминологиясида regista, sentinelle, mezzala, stoppeur, Makelele rôle, playmaker, carrileros, boîte en boîte, aéromodéliste, ski héliporté, parrainage, queue d'hirondelle, stadiaire, vélipilanchiste, spiroballe prise, jeu de cannes сингари сўзлар тезлашганки, натижада уларни кўпчилик қийналмай англаши, қўллаши кузатилади [12].

Маълумки, лексик неологизм турлари – сўзнинг неологизмлик белгиси лексемага яхлит ҳолда ёки унинг бир қисмига алоқадор бўлади, шунга кўра лексик неологизм қуйидаги икки турга бўлинади (1-расм): 1) неологизм-лексема (бунда лексема яхлитлигича неологизм бўлади); 2) неологизм-семема (бунда лексеманинг ўзи эмас, балким қўшма сўз ёки бирикманинг морфем, лексик бирликларидан бири неологизм саналади).

Шундай қилиб, спорт терминларини ўрганиш халқаро лингвомаданий лексикани интеграцияланишига ўз амалий натижасини бера олади. Бу муаммоларни ўрганиш қиёсий тилшунослик учун катта аҳамият касб этади.



**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Alain Rey, vocabuliste français, textes réunis et présentés par Fran çois Gaudin, Limoges, Éd. Lambert-Lucas, 2011. – P. 58; Sager J.C. A Practical Course in Terminology Processing. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1990. – P. 262.
2. Eugen Wüster. Introducción a-ля teoría обший de la terminología y a-ля lexicografía terminológica Universitat Pompeu Fabra, Барселона, 2003.
3. Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. – М.: Восток-Запад, 2007. – С.317; Cornu, Gérard. Linguistique juridique, Paris, Montchrestien, 1990. – P.19.
4. Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. – John Benjamins Publishing Company, 2000. – P.258.
5. Лейчик В.М. Теоретические и прикладные проблемы унификации терминов на современном этапе. Научно-техническая терминология. – М., 2002. – С. 44–46.
6. Омарова С.И. Проблемы терминологии в дагестанских языках (лингвистическая терминология): Автореф. дисс. док. филол. наук. – М., 1998. – С. 48; Паржиева М.А. Особенности функционирования лингвистических терминов в профессиональной речи. – Ставрополь, 2005. – С. 28.
7. Шелов С.Д. Ещё раз об определении понятия «термин». Вестник. – Н., 2010. – С. 795–799;
8. Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 509; Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – Б. 46;
9. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIVвв. – Т., 1991.
10. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: филол. фан. ном. дисс. – Т., 2011. – Б.14.
11. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.32.
12. Қўлдошева Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. Бухоро – 2020